Ушбу сонда:
2 ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2005 йил 3 декабр, шанба № 193 (2034)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**А.Э.Шайховни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида**

Алишер Эркинович Шайхов Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 2 декабр

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 декабр куни Оқсаройда Россиянинг «РУСАЛ» компанияси директорлар кенгаши раиси Олег Дерипаскани қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасида тузилган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Ушбу ҳужжат мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилишини, хусусан, икки томон ишбилармонлари учун янги имкониятлар очишини қайд этди.

2000 йилда ташкил топган «РУСАЛ» компанияси алюминий ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги кучли учликка кирувчи ягона хусусий саноат мажмуидир. Дунёда ишлаб чиқариладиган жами алюминийнинг ўн фоизи «РУСАЛ» ҳиссасига тўғри келади. Компания ўз фаолияти давомида 12,7 миллион тонна алюминий оксиди, 12,6 миллион тонна хомаки ишлов берилган алюминий хомашёсини ишлаб чиқарган. Унинг 2004 йилдаги соф фойдаси 5,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

«РУСАЛ» Тожикистоннинг Хатлон вилоятида ишлаб чиқариш қуввати 200 минг тоннага тенг янги алюминий заводи қуришни режалаштирган. Шунингдек, мазкур компания иштирокида Тожикистон алюминий заводида икки электролиз цехини ишга тушириш мўлжалланган. Бундан ташқари, компания Роғун ГЭСи қурилишини молиялаштиришни ҳам ўз зиммасига олган.

Маълумки, Тожикистон алюминий заводидан ҳавога тарқалаётган турли заҳарли моддалар анчадан буён минтақамиздаги соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза этиш идораларини, умуман, кенг жамоатчиликни ташвишга солиб келмоқда. Завод тарқатаётган оғудан Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти аҳолиси ҳам азият чекаётгани сир эмас.

Вазият билан яқиндан танишиш мақсадида мамлакатимизга келган О.Дерипаска Сурхондарё вилоятида ҳам бўлди. Президентимиз билан суҳбат чоғида у экологик хавфсиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш «РУСАЛ»нинг бош мақсади эканини, компания беш йил давомида табиат муҳофазасига қаратилган тадбирлар учун 173,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратганини таъкидлади. Меҳмон компаниянинг режаларига тўхталиб, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматларининг, халқаро экспертларнинг хулосасини олмасдан туриб бундай катта лойиҳаларга қўл урмаслигини, халқаро андозалар бўйича иш юритишини алоҳида қайд этди.

О.Дерипаска минтақадаги экологик вазият билан танишиш учун яратилган имконият ҳамда самимий қабул учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик изҳор этди.

Учрашувда Ўзбекистон корхоналари билан «РУСАЛ» ўртасидаги алоқаларга доир масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

## (биринчи кун)

***2005 йил 2 декабр куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.***

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Кун тартибига мувофиқ парламент юқори палатаси аъзолари ишни Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджетини муҳокама этишдан бошладилар. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ашрафхоновнинг маърузаси тингланди. Маърузачи таъкидлаб айтдики, 2006 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устуворликлар асосида тайёрланган. Шу билан бирга Давлат бюджети мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор вазифаларига мувофиқ келади. Мазкур бюджет иқтисодиётни янада эркинлаштиришга, ижтимоий йўналтирилган бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга кўмаклашади деб мўлжалланмоқда.

Хусусан, 2006 йилда банк ва молия тизимларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий сектор жадал ривожлантирилишини таъминлаш, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантиришга, уй-жой-коммунал хўжалигини яхшилашга доир ишлар кўламларини кенгайтириш назарда тутилмоқда. Таъкидлаб ўтилдики, Давлат бюджети мактаб таълимини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ерларини мелиорациялаш ва реконструкция қилиш, транспорт инфратузилмаси ҳамда коммуникацияларини ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга зарур маблағлар ажратади.

Келгуси йилги Давлат бюджетида иқтисодиётга тушаётган солиқ юкини изчил камайтириб бориш, солиқ тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган. 2006 йил 1 январдан эътиборан юридик шахсларнинг даромадларига (фойдасига) солинадиган солиқ ставкалари камайтирилиб, 15 фоиз ўрнига 12 фоиз этиб белгиланмоқда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг дивидендлар ва фоизлар юзасидан тўлайдиган даромад солиғи ставкасини ҳам камайтириш мўлжалланмоқда, бу ставка 15 фоиз ўрнига 10 фоиз этиб белгиланмоқда. Бундан ташқари жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкаси 1 фоизга камайтирилади, иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов ставкаси ҳам камайтирилиб, 31 фоиз ўрнига 25 фоиз этиб белгиланмоқда.

Ушбу масала юзасидан Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Э.Боқибоев қўшимча маъруза қилди.

Муҳокамада сўзга чиққан сенаторлар келаси молия йилига мўлжалланаётган Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги юқори даражада эканлигини таъкидладилар. Чунончи, ижтимоий соҳа ва аҳолининг фаровонлигини ошириш харажатлари Давлат бюджетида назарда тутилган умумий харажатларнинг 51 фоизини ташкил этади, шундан 58,3 фоизи таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтирилади.

Атрофлича муҳокама этилганидан кейин Сенат Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджетини қабул қилди. Шундан кейин сенаторлар илгари, Сенатнинг учинчи ялпи мажлисида рад этилган «Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама этдилар. Мазкур қонун юзасидан юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун парламент ҳар иккала палатаси аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссияси тузилган бўлиб, бу комиссия қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқди. Мазкур қонун билан «Давлат божи тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунларга, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар киритилмоқда. Қонун Сенат томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририни кўриб чиқдилар. Муҳокама мобайнида шу нарса таъкидландики, тақдим этилган Қонун қўшимча ишланишни тақозо этади. Унда яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари - юридик шахслар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган, яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорларининг уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан муносабатларини тартибга солувчи шартномавий-ҳуқуқий шакл назарда тутилмаган, бу эса мамлакатимизнинг қонунчилик амалиётига тўлиқ маънода мувофиқ келмайди.

Мазкур Қонундаги ана шу ва бошқа номувофиқликларни эътиборга олиб, Сенат уни рад этиш ҳамда Қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш учун келишув комиссияси тузиш ҳақида қарор қабул қилди.

«Тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди. Мазкур Қонунда Солиқ кодексига ҳамда «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, қабул қилинган қонун Солиқ кодексига микрофирмалар ва кичик корхоналарни солиқ тўлашнинг янги тизими - ягона солиқ тўлови тўлашга ўтказишни назарда тутувчи ўзгартишларни киритмоқда. Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларининг ана шу тоифаси учун ягона солиқ тўлашдан, Бюджетдан ташқари Пенсия ва Республика йўл жамғармаларига, шунингдек Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар ажратишдан озод қилиш ва шу сингари нормалар назарда тутилмоқда.

Сенат мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сенат фаолияти амалиётида биринчи марта амнистия тўғрисидаги масала кўрилди. Амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилишга доир Президент ваколатларининг Сенатга ўтказилганлиги мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация этиш жараёнларининг ифодасидир.

Сенат мажлиси 2005 йил 3 декабрда ўз ишини давом эттиради.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан, инсонпарварлик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-моддасининг 10-бандига ва 93-моддасининг 23- бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Биринчи марта содир этган жиноятлари учун қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) мазкур Қарор кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилганидан кейин Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазони ўташдан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазони ўташдан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазони ўташдан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Жазони ўтаётган, бироқ мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - тўртдан бир қисмига.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор - ўта хавфли рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга; шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1-банди - ўта оғир жиноят содир этган шахсларга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасининг 4 ва 5-қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар бундан мустасно.

8. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 2 декабр

Ҳаво ҳарорати пасайгани сайин электр тармоқларидаги зўриқишлар ҳам ортиб бораверади. Ҳозирданоқ тонг ва оқшом чоғларида электр энергияси истеъмоли режадагидан 15-40 фоиз юқори бўлмоқда. Қишнинг сўрови эса қатъий, электр энергияси таъминотининг бир маромда бўлишлиги кўп жиҳатдан бу мавсумга қандай тайёргарлик кўрилганлигига боғлиқ. Буни яхши билган "Андижон электр тармоқлари" ОАЖ томонидан 2005-2006 йил куз-қиш мавсумига бир қатор тадбирлар амалга оширилдики, бу ҳар қандай мураккаб шароитда вилоят аҳлига намунали хизмат кўрсатиш имконини беради. Вазиятдан келиб чиқиб, бир қатор кичик станциялар қуввати оширилди, янги трансформатор пунктлари ва ҳаво тармоқлари қурилиб, мавжудлари эса сифатли таъмирланди. Тармоқларнинг авариясиз соз ҳолда ишлаши йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда истеъмолчиларга узлуксиз ва сифатли электр энергияси етказиб бериш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар тўлиқ бажарилди.

**Суратда: уста Ё.Фозилов.**

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат**



*Истиқлол берган имкон*

# НУРИСТОН НУРИ - ХАЛҚИМ ҒУРУРИ

***Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг Қашқадарёда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қарши даштининг қоқ ўртасида 3 миллион 200 минг киловатт электр энергияси ҳосил қиладиган Талимаржон ГРЭСи қад кўтарди.***

Марказий Осиёда ягона иссиқлик электр станциясининг энерго-блоклари Шўртан гази билан ишлайди. Фарҳод ГРЭСи қувватидан 27 марта кўп бўлган янги корхонанинг энергияси билан Қарши магистрал каналидаги йирик насос станцияларидан 40 тасини ҳаракатга келтириш мумкин.

Бугунги ҳаётимизни компьютер техникаси, электрон алоқа воситалари, ёритиш, иситиш асбоблари ва электр қуввати билан ишлайдиган бошқа технологияларсиз тасаввур этиш қийин. Мамлакатимиз индустрияси, енгил саноати, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда электр энергиясининг ўрни беқиёс.

Талимаржон ГРЭСининг яқинда фойдаланишга топширилган биринчи блоки соатига 800 меговатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона тўлиқ ишга туширилиши учун 305 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Қурилиш бошқармаси бошлиғи, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи" Абдурасул Бозоров улкан иморатнинг биринчи пойдеворини қўйганлардан. Йигирма йилдан буён йирик жамоани бошқараётган ташкилотчи ва ташаббускор мутахассисни нафақат Қашқадарёда, балки мамлакатда яхши танишади. У раҳбарлик қилаётган бошқарма томонидан Нуристон шаҳарчасида 30 дан ортиқ 56 хонадонли турар-жойлар, ҳар бири 70 оилага мўлжалланган 3 та ётоқхона, 100 дан ошиқ коттеж типидаги уйлар, 2 та болалар боғчаси, 1500 ўринли ўрта мактаб, савдо маркази, шифохона, кўплаб ошхоналар, савдо дўконлари, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи, чойхона, дорихона, янги боғроғлар қад ростлади. Иссиқлик станциясининг бош биноси, 60 га яқин муҳандислик иншоотлари, 240 минг тонна мазут сақланадиган омборхона қуриб битказилди.

Кўпдан бери орзиқиб кутилган бахтли онлар рўй берди. Бугунги кунда Қарши чўлларидан таралаётган зиё ўлкамизни чароғон этмоқда. Ҳосил қилинадиган электр қуввати юртимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш учун хизмат қилишининг ўзи ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

**(Давоми 2-бетда)**

# ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

## инсон ҳақида ғамхўрлик демакдир

***Бош Қомусимизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг миллий қадриятларимиз ва миллий тафаккуримизни ўзида акс эттирганидир. Унда адолат ва ҳақиқат, халқимизга хос бағрикенглик ва меҳр-муҳаббат, олижаноблик каби улуғ хислатлар муносиб ўрин эгаллаган. Президентимиз эътироф этганларидек, «Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснномадир».***




Дарҳақиқат, ҳар бир давлатнинг Конституцияси, аввало, унда истиқомат қилувчи халқ иродаси, манфаатлари, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Ҳуқуқшуносларнинг эътироф этишларича, бизнинг Конституциямиз ривожланган давлатларнинг конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Шу сабаб Бош қомусимиз дунёдаги тараққий этган давлатлар конституцияси билан бемалол баҳслашиши мумкин.

Қолаверса, Конституциямиз умумий мазмунидан тортиб ҳар бир моддаси ва банди улуғ бобокалонларимиз Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Фаробий, Мотурудий, Марғиноний, Яссавий мероси, шунингдек, асрлар оша шаклланиб келган ўзбек давлатчилиги сиёсий-ҳуқуқий қадриятлари билан суғорилган. Шу билан бирга Асосий Қомусимизда она заминимизда яшаётган одамлар қалбидаги орзу-интилиш, адолат ва ҳақиқат, иймон ва олижаноблик, бағрикенглик каби улуғ хислатлар ўз аксини топган.

Конституциямизда баён қилинган мақсад ва вазифалар, уларга эришиш тамойилларини ўқир эканмиз, қалбимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлади. Негаки, Бош Қомусимизнинг моҳият эътибори инсон манфаатларини кўзда тутади ва унинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлайди.

Зотан, кучли ижтимоий муҳофаза масаласи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилнинг муҳим бўлаги сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Конституциямизнинг 39-моддасида «ҳар ким қариганда, меҳнат ва лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга» эканлиги эътироф этилади.

Ижтимоий муҳофаза – инсон ҳақида ғамхўрлик демакдир. Мамлакатимиз қудрати ва шуҳратини оширишда, айниқса, ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда бу омилнинг ўрни ва салоҳияти ниҳоятда каттадир. Негаки, инсон бу ёруғ оламга бахт ва эзгулик учун келади. Ҳаётда кўнгли тўлиб яшаши, иқтидори, лаёқатини юзага чиқариши жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий омилларга бевосита боғлиқ. Қолаверса, шахс ва жамият манфаатларини айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Ижтимоий ҳимоя борасидаги қабул қилингани Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва уларнинг ижроси Конституциямиз яшаётгани ва амал қилаётганлигидан далолатдир. Савоб ишни ҳар куни ва ҳар ким қилиши керак. Ижтимоий ҳимоя борасидаги Конституциямизда эътироф этилган кафолатлар барча-барчани мурувватпешаликка ундайди, орамиздаги кексалар, пенсионер ва ногиронларга ўз вақтида моддий ёрдам кўрсатиш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишга даъват этади.

Кейинги йилларда халқ фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий тизимда яхлит, барқарор тизимни шакллантириш юзасидан туманимизда салмоқли ишлар қилинди. Адолат тамойилларига асосланган қонунларимиз бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани шубҳасиздир.

**(Давоми 3-бетда)**

*Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан*

# ҚУТЛУҒ ТЎЙ ТАРАДДУДИ

***Президентимизнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ушбу айёмга ҳозирлик ишлари бошлаб юборилди. Шаҳарни янада кўркамлаштириш, ободонлаштириш, янги қўшма корхоналарни ишга тушириш, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга жиддий тайёргарлик кўриляпти.***

Шаҳар марказида қурилаётган ер ости йўлини вилоят автомобил йўлларидан фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаси бунёдкорлари барпо этмоқда.

- Бу ерда 160 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилади, -дейди бошқарманинг Марғилон шаҳар бўлими раҳбари Мухторжон Ҳакимов. - Ер ости йўли ҳам шаҳарларимиз ва меҳмонлар учун бир мунча қулайликлар яратади. Ҳозирда лойиҳа бўйича 50 миллион сўмдан ортиқ ҳажмдаги ишлар бажарилди.

Хорижий инвестициялар иштирокида бунёд этилаётган «Марғилон текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ҳам иш қизғин олиб борилялти. Ҳозир бу ерда хориждан келтирилган янги дастгоҳлар ўрнатилмоқда. Шунингдек, «Тикувчи» масъулияти чекланган жамиятида ипак маҳсулотлари ва шойи газламалар ишлаб чиқаришни йўлга қуйиш, «Турон шойиси» акционерлик жамияти негизида бир қанча ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш борасида ҳам изчил чора-тадбирлар белгиланган.

Марғилон қадим-қадимдан Шарқнинг савдо ва ҳунармандчилик марказларидан бири бўлиб келган. Моҳир ҳунарманд сулолалари устозлар анъаналарини давом эттириб келяпти. Аждодлари атласчи ўтган ҳунарманд Турғунбой Мирзааҳмедов шаҳарнинг 2000 йиллигига муносиб совға тайёрламоқда. У айни кунларда «Марғилон юлдузлари» номли янги атлас нусхасини яратишга киришди. «Ёдгорлик» хусусий фирмасида ҳам атласнинг қадимий нусхаларини тиклаш учун дизайнер ва тажрибали усталар иш олиб бормоқда.

Заргарлар авлодининг кекса вакили Абдуҳомид Абдужабборов эса «Кумушбиби», «Марғилон» каби балдоқлар намуналарини яратиш ниятида изланмоқда.

Пурсиддиқ мажмуаси, Увайсий уй-музейи, Улуғмозор қабристони каби муқаддас қадамжолар ва бошқа тарихий обидаларни таъмирлаш ишларига ҳам киришилди. Ҳамиша навқирон ва кўҳна шаҳар юбилей муносабати билан янада гўзаллашиб, жаҳонни лол қолдирадиган масканга айланиши шубҳасиз.

**(ЎзА)**

## ЯНГИ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Денов туманининг Собир Раҳимов номидаги ширкат хўжалигида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Уни «Шош-моҳ кашшоф» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этди. Эллик ўринли мазкур замонавий шифо масканида ташхис қўйиш, даволаш учун барча шарт-шароит яратилган.

Бу ерда меҳнат қилаётган 25 нафар тиббиёт ходими ширкат хўжалиги ҳудудидаги Шаҳринав ва Бодиҳаво қишлоқлари аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

*(Боши 1-бетда)*

Энергия ҳосил қилиш цехи бошлиғи Алексей Гамзин ва бош муҳандис Владимир Пакни биринчи блокнинг автоматик равишда кимёвий назорат қилиш лабораториясида ускуналарни кўздан кечираётган пайтда учратдик. Марказий бошқарув пунктида ҳар бир жараён компьютерлар ёрдамида бошқарилаяпти.

"Талимаржон ИЭС" унитар корхонаси директори Искандар Босидов республикамиз иссиқлик электр станцияларида ишлаб, катта тажриба орттирган ташкилотчи раҳбар. Унинг бошчилигида ўта муҳим ва ноёб ишлаб чиқариш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

— Битта блоки соатига 800 мегаватт энергия ишлаб чиқарадиган электр станциялар фақат Россия ва Украинада бор. Мамлакатимиз ҳам ана шундай улкан мажмуага эга бўлганлиги билан фахрлансак арзийди, - дейди Искандар ака мамнуният билан.

Ривоят қилишларича, улуғ ўзбек мутафаккири Алишер Навоий ҳазратлари Қарши дашти орқали Ҳиротга ўтганларида қадимий Аловуддин тепаликларидан бошланадиган Ойдин яйловларида бир дам ҳордиқ чиқариб, осмон тоқидаги юлдузларга боқиб ҳайратланган эканлар. Бугунги дориламон замонга келиб ана шу ойдинлик, минглаб электр чироқларининг ёрқин нури бепоён даладаштларни самодаги юлдузлардан ҳам равшанроқ мунаввар этаяпти. Бир кеча-кундузда 16-17 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилаяпти. Станциядан узатилган энергиянинг умумий миқдори 4 миллиард киловатт соатдан ошиб кетди. Иссиқлик электр станцияси нафақат Самарқанд - Бухоро энерго тармоғидаги тақчилликни бартараф этиш ва электр энергияси йўқотишларини камайтириш, балки унинг экспортини кўпайтириш имкониятини яратди.

# НУРИСТОН НУРИ - ХАЛҚИМ ҒУРУРИ

Баландлиги 264, кенглиги 13 метрдан катта улкан минорасимон қувурлар олисдан кўзга ташланади. Осмонўпар иншоотни "Гидромонтаж" ва "Ўзбекгидроэнергоқурилиш" очиқ акциядорлик жамиятининг "Талимаржон ИЭС қурилиши" бошқармаси қўлигул қурувчилари бунёд этишган. "Гидроқурилиш" тресті, "МУ-4", "Туронэлектромонтаж", "Энергомахсусмонтаж", "Энергоиссиқликмонтаж", "Янги Ангрен иссиқлик энерго монтаж" акциядорлик жамиятлари, "ЭСАН" ва "Электроизолет" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ҳамда бошқа ташкилотлар қурилиш ишларида фаол қатнашдилар.

Шартнома асосида ишлаган Россиянинг "Теплоэнергомонтаж" жамияти мутахассислари ўта мураккаб жиҳозлаш ва ускуналаш юмушларини бажардилар. Улар кучи билан 20 минг тоннага яқин технологик жиҳозлар ва қувурлар монтаж қилинди.

Энергоблокда Япония, Германия, Францияда тайёрланган энг замонавий компьютер-электрон воситалардан иборат технологик жараённи автоматик бошқариш тизими жорий этилди. Бундай мукаммал тизимни яратиш ва ишлатиш "Пик Зебра" ёпиқ турдаги жамияти мутахассислари томонидан амалга оширилди. Россиянинг "ЭМК-инженеринг" компанияси ходимлари станцияни бошқариш юмушларини сифатли бажариб, маҳаллий ёшлардан мустақил фаолият юритадиган кадрларни тарбиялаб, касб ўргатишди.

Биз бирлашган ишлаб чиқариш-кўмаклашиш блокининг компрессор станцияси машинисти Юнус Бекназаров, "ОРУ-220" қурилмасининг навбатчи электр монтёрлари Шерали Шайманов, Йўлдош Маманов, қозон-трубина цехи бошлиғи Шуҳрат Султоновларни қизғин иш олиб бораётган пайтда учратдик. Маҳаллий ёшлар замонавий қурилмаларни ҳаракатга келтиришни пухта эгаллаб олишган.

Энергия ҳосил қилиш оғир ва мураккаб жараён. Бунинг учун ишлатиладиган сув Германиянинг "Оименс" компаниясидан келтириб ўрнатилган асбоб-ускуналар ёрдамида тезкор лаборатория таҳлилидан ўтади. Қарши бош каналидан келадиган об-ҳаёт 10 босқичда буғлатиш ва уни муайян тузлардан тозалаш лозим. Тажрибали лаборант Марине Патцукая ҳар бир таҳлилни масъулият билан ўтказади. Дистерланган сув умумий ҳажми 25 минг кубометрлик 5 та махсус бакларда сақланади.

Корхонада ишлатилаётган қозон "Таронго котел" заводида ишлаб чиқарилган бўлиб, 1 соатда 2650 тонна буғ 540 даража иссиқлик ҳолатидан 245 атмосфера босим билан юборилади ва трубинани айлантиради. Сувни қайнатиш учун "Шўртаннефтгаз" унитар корхонаси ва "Шўртангазкимё" мажмуаси томонидан юборилаётган "Зангори олов"дан фойдаланилади. Республикамизнинг бошқа электр станцияларида 1 киловатт соат электр энергия ҳосил қилиш учун 380 грам газ ёқилаётган бўлса, Талимаржон ИЭСида бу рақам

*Истиқлол берган имкон*

327 грамни ташкил қилади. Ёнилғи сарфи камайиб, ҳар киловатт соатга 53-55 грамдан ҳисоблангaнда, қарийб 100 миллион кубометр газ иқтисод қилинади.

Энергия ҳосил қиладиган трубиналар Санкт-Петербургда тайёрланган. Трубинанинг вали бир дақиқада 3001-3002 тезлик билан айланади. Тайёр бўлган энергия 1 миллион киловатт ампер қувватли трансформаторларга узатилади. Энергия 220 вольтлик электр токи ҳолатига келтирилиб, станция ҳудудида жойлашган "ОРУ-220" очиқ тақсимлаш қурилмаси орқали истеъмолчиларга жўнатилаяпти.

Янги иссиқлик электр станциясининг дастлабки блоки ишга туширилганидан сўнг вилоят маркази аҳолиси, Қарши бош канали бошқармаси ва насос станциялари, "Шўртангазкимё" мажмуаси, "Шўртаннефтгаз" унитар корхонаси, Кўкдумалоқ конидаги иншоотлар ва истеъмолчиларни энергия билан таъминлаш анча яхшиланди. Қашқадарё ва қўшни вилоятларни электр энергияси таъминотида жиддий ўзгаришлар юз берди.

Моддий манфаатдорлик муваффақият гарови эканлиги амалда исботланмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида хотин-қизлар, ёш болали аёллар учун қўшимча таътиллар жорий этилган. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий амал қилинади. Ходимлар махсус иш кийимлари ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Уларга сут ва сут маҳсулотлари, парҳезли таомлар бериб борилади.

Ишчиларга ойлик маош ва мукофотлардан ташқари 5 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Серфарзанд оилалар доимий эътиборда. Меҳнат фахрийлари ва ногиронлар ҳомийликка олинган. Жамоа аъзолари Нуристон шаҳарчасини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш юмушларида фаол қатнашяптилар. Маънавият ва маърифат, дам олиш хоналари, ошхона, тиббий пункт намунали хизмат кўрсатаяпти. Ҳар бир ходим ғамхўрлик ва эътибор билан қуршаб олинган. Иш, яшаш, дам олиш шароитлари учун барча қулайликлар яратилган.

Бепоён дашт қўйнида жойлашган улкан корхонанинг миноралари мингглаб чироқлар порлайди. Қудратли генераторлар тинмай айланади. Қалбида Ватан ишқи жўш урган, юртим деб, элим деб яшаётган иқтидорли мутахассислар машаққатли ва шарафли ишни адо этишаяпти. Нуристондан таралаётган нур халқимизнинг ғурури ва ифтихорига айланди. Бундай катта муваффақият ва бунёдкорлик буюк истиқлол шарофатидир.

**И.ИСОМИДДИНОВ**



Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий таъминот бўлимида бўлганимизда, ногиронларни қўллаб-қувватлаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдик.

– Шу йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида 170 нафар ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди, – дейди бўлим бошлиғи Шеъроз Аббосов. — Жумладан, 40 минг 666 нафар ногирон, етим болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволаш муассасаларида даволандилар. Шаҳар ҳокимлиги, ижтимоий таъминот, молия бўлимлари, маҳалла йиғинлари ва «Ноҳид» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида кам таъминланган, ўзгалар парваришига муҳтожларга ҳар ойда 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

**Суратларда: пири бадавлатларимиз.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**



## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

***Балиқчи тумани Марказий шифохонаси тасаррўфидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, беморларга ва ходимларга қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.***

# МАҲАЛЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Туман аҳолисига 645 ўринли 4 та шифохона, 3 та поликлиника, 23 та ҚВП, 12 та ФАП ва 1 та ДСЭНМда тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шифохоналар ва амбулатория-поликлиника муассасаларининг моддий-техник базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб, тиббий аппаратуралар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланиш даражаси яхшиланиб бормоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида марказий шифохона ички касалликлар ва ҳомиладорлар хасталиклари бўлимлари, Силга қарши курашиш диспансери, Ўрмонбек ҚВПлари капитал таъмирдан чиқарилди.

Бугунги кунда туман соғлиқни сақлаш тизимида 211 нафар ҳаким, 1576 нафар ўрта тиббиёт ходими ва 753 нафар бошқа соҳадаги жами 2539 нафардан ортиқ ходим фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг касбий маҳоратларини ошириш мақсадида жорий йилда врачлардан 47 нафари, ўрта тиббиёт ходимларидан 186 нафари ўқишга юборилди.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда касалхона маъмурияти томонидан шу йил ўрта тиббиёт ходимларини ўқитиш мақсадида сайёр цикли туманга таклиф этилди. Ходимларга яратилган иш шароити, меҳнат интизоми, тиббий ҳужжатларнинг тўғри юритилишини назорат қилиш мақсадида бир неча даволаш-профилактика муассасалари чуқур ўрганилди. Жумладан, Олимбек ички касалликлари шифохонаси, Ўрмонбек ҚВП, марказий поликлиника, Балиқчи "Тез тиббий ёрдам" ва жарроҳлик бўлимлари текширилиб, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун керакли маслаҳат ва тавсиялар берилди.

### Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Ўтган йилда жамоа шартномаси бўйича ходимларнинг ойлик маошлари ва меҳнат таътиллари вақтидаги ҳақлари ягона тариф сеткасига асосан тўлиқ берилди. Тўланган иш ҳақининг жами миқдори 344 миллион 256 минг сўмдан иборатдир. Шифохоналардаги навбатчилик касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ва туман марказий шифохонаси маъмурияти томонидан тасдиқланган алоҳида жадвал асосида тузилган. Меҳнат муҳофазаси бўлимида режалаштирилган тадбирларнинг бажарилиши учун 4 миллион 459 минг сўм сарфланди.

Бундан ташқари, ходимларга ҳар ойда компенсация тўлаб борилмоқда. 13 миллион 289 минг сўм коммунал хизматлари учун ўтказиб берилди. Ходимларни соғломлаштириш ва тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкил этиш шартномада кўрсатилган режа бўйича амалга оширилди.

Вилоятда ўтказилган тиббиёт ходимларининг ёзги спартакиадасида туман тиббиёт ходимлари фахрли 1-ўринни эгалладилар. "Наврўз" байрамида соғлиқни сақлаш тизимида узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда меҳнат фахрийси бўлган, ногиронлик нафақаларига чиқарилган, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди ва уларга 150 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Тиббиёт ходимлари касб куни муносабати билан туман маданият ва истироҳат боғида 800 нафар ходим иштирокида катта байрам тантанаси ташкил қилинди ва унга маъмурият томонидан 520 минг сўм, касаба уюшма қўмитаси томонидан 200 минг сўм маблағ сарфланди.

Булоқбоши туманида жойлашган "Шифокор" болалар оромгоҳида тиббиёт ходимларининг 20 нафар фарзанди дам олдирилди. Уларга 490 минг сўм маблағ ўтказиб берилди. Вилоят "Ҳамшира-2005" кўрик-танловида Чинобод ҳудудий шифохонаси ҳамшираси Рақиб Толипова фахрли 3-ўринни эгаллади.

Даволаш-профилактика муассасаларидаги тиббиёт ходимлари маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, маҳаллани ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этишди.

**А.МАЪМУРОВ, шифокор**

***Яқинда Уйчи туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларининг касаба уюшма қўмиталари, меҳнат муҳофазаси комиссиялари ва жамоатчи вакиллари фаолиятини уюштириш бўйича вилоят семинари бўлиб ўтди.***

# ЖАМОАТЧИ ВАКИЛЛАР ИШТИРОКИДА

## тренинг машғулот

Аввал 80 нафардан зиёд иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, туман касаба уюшмаси кенгаши, 7-умумтаълим мактаби, 2-мактабгача таълим муассасаси, Уйчи маиший хизмат касб-ҳунар коллежлари касаба уюшма қўмиталарининг меҳнат муҳофазаси бўйича фаолиятларини ўргандилар. Айниқса, Уйчи маиший хизмат касб-ҳунар коллежида меҳнат муҳофазасини ташкил этишдаги долзарб вазифалар ҳақида ўтказилган тренинг машғулоти иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Семинарда меҳнат муҳофазаси бўйича бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаолиятини ташкил этиш, кўрик-танловлар уюштириш ва ҳужжатлар тайёрлаш юзасидан Уйчи туман касаба уюшма кенгаши раиси М.Тўхтабоев, Косонсой кенгаши раиси У.Алимханов, Мингбулоқ вакили А.Бозоров, Учқўрғон иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ф.Мадаминовларнинг маърузалари тингланди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Р.Деҳқонованинг маърузаси барчага бирдек маъқул бўлди.

**Т.НАЗАРОВ, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси**

*Фаолларимиз*

# ТИНИБ-ТИНЧИМАС АЁЛ

***Ташкилотга узоқ муддат етакчилик қилган Абдумалик Дарвешов ўзига муносиб шогирд тайёрлаш пайига тушиб қолди. Ахир, бутун жамоа юкини елкасига оладиган азаматни топиш осон эмас—да. 460 нафарлик жамоага ушлагани узадиган, ташкилотчи одам керак. Инсонда ўзига хос сифат бўлади. Шаддод, чўрткесар Янглиш Эшонқуловагина аравани тортиши мумкин, деган хулосага келди у. Бу фикрни вилоят кенгаши ҳам маъқуллади.***

Навбатдаги йиғилишда Мирзаобод туман марказий шифохонаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислигига Я. Эшонқулова сайланди.

Қарангки, етакчиликни қўлга олган кундан муаммо туғилди. Марказий поликлиника капитал таъмирланиши муносабати билан муайян муддатга ёпилди. Ҳисобхонадагилар бу ерда ишлаётганларни ўз ҳисобларидан таътилга кузатиш ташаббусини илгари сурди. Ходимлар ўртасида шивир-шивир кучайди.

Ана шу чоғда ёш касабақўм раиси масалани маъмурият эътиборига олиб чиқди. Бош шифокор Назирқул Карниев касаба уюшма фикрини маъқуллади. Таъмирлаш ишлари бошида ўзи куни-тун турди. Оқибатда қисқа фурсатларда поликлиника иш бошлади. Мажбурий таътил кунлари учун ўртача ойлик маошлари миқдоридаги ҳақ барча ходимларга тўлаб берилди.

– Янглишхонни раисликка танлаб адашмаганмиз, – дейди собиқ етакчи Абдумалик Дарвешов. – У ходимлар ижтимоий муҳофазасида дадил, жамоадошларига ғамхўр, меҳрибон. Маъмурият билан тил топишиб қатор имтиёз ва енгилликлар яратишга мушарраф бўлди.

Туман соғлиқни сақлаш муассасалари бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланган. Ўтган қисқа фурсатда 15 та замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб фойдаланишга топширилди. 70 ўринга мўлжалланган 2 та шифохона, «Тез тиббий ёрдам» бўлими ва унинг 6 та шохобчаси аҳоли хизматида бўлаяпти. Биргина шу йилнинг ўзида «Оқ олтин», «Тошкент», «Гулистон», Деҳқонобод қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари билан таъминланди, туман маркази Наврўз қўрғонида янги ҚВП иш бошлади. Барча муассасалар иситиш системалари билан жиҳозланган. Ишлаш учун барча шарт-шароитлар етарли.

Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ногирон ва кексаларга хонадонларда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Рўйхатга олинган 14901 нафар зурриёд ёшидаги аёллар тез-тез кўрикдан ўтказилиб турилади. Қишлоқ аёлларидаги кам қонлик ва бошқа хасталикларни ўз фурсатида аниқлаш, улар дардининг аришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли репродуктив саломатлиги, соғлом оилани шакллантириш шифокорлар бурчига айланган. Барча тиббиёт муассасаларида «Оила ва никоҳ» хонаси ташкил этилиб бу ерда етарлича тушунча олиш имкони бор. Ўтган фурсат юзга яқин балоғот ёшидаги ёшлар, келин-куёвлар кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, ҳудуддаги 1200 нафар бола, 412 нафар ногирон, 220 нафар болаликдан ногиронлар, 348 нафар кам таъминланган оила аъзолари диспенсер кўригидан ўтказилиб зарур муолажалар амалга оширилди.

Соҳа ходимлари етакчисига бўлган ишонч тобора ошиб бораяпти.

**Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

***«Меҳнаткашларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талаблари Когон туман прокуратураси томонидан намунали ижро этилмоқда. Биргина шу йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида фуқаролардан 109 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлса, шундан 41 таси адолатли ҳал қилинди, 57 ариза ва шикоятлар эса кўриб чиқиш учун тегишли ташкилот ва муассасаларга юборилди.***

# ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ АСОСИДА

Меҳнаткашларнинг мурожаатлари бугунги кунда одамларнинг бўлаётган воқеа-ҳодисаларга синчковлик билан муносабатда бўлаётганидан, айниқса, қонунбузилиш, талон-торожликларга нисбатан тоқатсизлик кайфиятида эканликларидан дарак бермоқда. Масалан, Шуҳрат Аҳмедов Республика Кўчмас мулк биржаси ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида шикоят қилган эди. Прокуратура текшируви давомида аризада кўрсатилган ҳолатлар ўз исботини топди. Кўчмас мулк биржаси ходимларига нисбатан ЎзРЖКнинг 168-моддаси 2-қисми билан иш қўзғатилиб, айбдорлар суд ҳукми билан жазога тортилдилар.

Фуқаро Бибиражаб Бақоеванинг шикоят хатида тумандаги собиқ «Мустақиллик» ширкат хўжалиги мансабдор шахсларининг талон-торожлик билан шуғулланаётганлиги ҳақида гап боради. Бошқарувчи лавозимида ишлаган Ҳаким Эшмуродов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, аъзоларнинг умумий йиғилиши қарорисиз гаров шартномасига асосан хўжалик маъмурий ва омборхона биносини «Хожиев Райим» деҳқон хўжалиги раҳбарига «Ўзсаноатқурилишбанк» Когон филиалидан бир миллион сўм кредит олиш учун гаров сифатида расмийлаштириб беради. Деҳқон хўжалиги раҳбари эса олинган мажбуриятни бажармаган. Кредитни вақтида қайтармаганлиги учун Бухоро вилоят хўжалик суди томонидан қарор чиқарилиб, маъмурий бино ва омборхона аукцион савдолари орқали 1 миллион 700 минг сўмга сотилади. Хўжалик манфаатига 3 миллион 593 минг 571 сўмлик зарар етади. Ҳаким Эшмуродов суд ҳукми билан айбдор, деб топилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Фуқаро Қаҳрамон Қаҳҳоровнинг «Гулистон» ширкат хўжалиги мансабдор шахсларининг хўжаликка қарашли молхона биносини талон-тарож қилганлиги тўғрисидаги аризаси ҳам асосли эканлиги маълум бўлди. Хўжалик мансабдор шахсларига нисбатан ЎзРЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «а» банди билан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Меҳнат қонунчилиги тўғри юритилишини таъминлаш прокуратура органларининг доимий назоратдаги ишларидан биридир. Тумандаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган текширишларда бу борада белгиланган қонун талабларига зид ҳолатлар содир этилаётгани аниқланди. Текшириш натижаларига кўра 1 та протест, 5 та тақдимнома киритилди, 18 та қарор, 34 та огоҳнома эълон қилинди, 36 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Фуқаролик судларига 10 та даъво аризаси киритилди.

Маълумки, иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш ишловчилар моддий манфаатдорлигини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим шартидир. Тумандаги қишлоқ хўжалик, бошқа корхона, ташкилотлар ҳужжатлари таҳлили бу борада ҳали бир қатор жиддий камчиликлар бор эканлигини кўрсатди. Айниқса, тумандаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ишловчиларга иш ҳақларини тўлашда муттасил узилишлар содир этилмоқда. Бунга асосан ажратилган маблағларнинг ўз вақтида келиб тушмаслиги ва етарли миқдорда ажратилмаслиги сабаб бўлмоқда.

Масалан, Когон туман машина-трактор паркида иш ҳақлари тўланишига оид ҳужжатлар таҳлил қилинганда, ишчи-ходимларга 1,5 миллион сўм тўланмаганлиги қайд қилиниб, ишловчиларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

**С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири**

***Ислоҳотлар туфайли кейинги йилларда таълим муассасаларида катта ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, бизнинг мактабимизда ҳам аҳвол, шароит тубдан яхшиланди. Ўтган йили ўқув биноси тўлиқ қайта таъмирланди. Ширкат хўжалигининг маъмурий биноси бизга берилди. Натижада бошланғич синфлар учун алоҳида ўқув корпуси, клуб ўрнида спорт зали ташкил этилди. Яқин кунларда 10 миллион сўмлик спорт анжомлари келтирилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, компьютерга эга бўлдик. Физика фани хонаси янги ўқув қўлланмалари ва ускуналари билан жиҳозланди. Бошқа фан кабинетларида ҳам шундай ўзгаришларга эришилаяпти.***

# МУАЛЛИМ ҚУВОНЧИ

*Таҳририятга хат*

Таълимни такомиллаштириш, жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Янги мактаблар қурилаётгани, бинолар тубдан қайта таъмирланаётгани, ўқув базаси мустаҳкамланаётгани, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш учун устама ҳақ тўлаш жорий қилинганлиги ва уни тайинлаш ваколати мактабда тузиладиган жамоатчилик комиссиясига берилганлиги барчанинг масъулиятини оширди. Шунинг ўзиёқ меҳнатга муносабатни ўзгартирди, дарслар сифати яхшиланишига олиб келди. Бундан ташқари, таълим муассасаларини ягона мезонлар асосида безатиш, педагог ходимлар фаоллигини ошириш, кийиниш маданияти бўйича амалга оширилган тадбирлар кўзланган самарани берди.

Ҳукуматимизнинг ғамхўрлигини чуқур қониқиш билан эътироф этган ҳолда ўқитувчиларнинг кўнглидаги баъзи гапларни ифода этиш ўринли, деб ўйлайман. Устама ҳақ тўлаш тадбирларининг жорий қилиниб, моддий манфаатдорлик янада кўтарилганлиги боис, таълим самарадорлиги яхшиланганлиги яққол кўзга ташланди. Лекин, шунга қарамасдан ўқитувчининг қўшимча ўқиб-ўрганиши учун адабиётлар, даврий нашрлар билан таъминланиш даражаси етарли эмас. Кутубхоналар фонди талабга жавоб бермайди.

Ёшларнинг билимли бўлиши учун жонкуяр, фидойи ўқитувчилар ўз иш ҳақлари ҳисобидан кўргазмали қуроллар тайёрлашмоқда. Айтмоқчимизки, манфаатдорлик даражаси ўқитувчининг дарс ва унга тайёргарлик ташвишидан бошқа нарсаларга чалғишига имкон қолдирмайдиган бўлиши керак. Чунки таълимнинг аҳволи, сифати мана шунга тўғридан-тўғри боғлиқдир.

**Ў.ШОМУРОДОВА,**
**Оқдарё туманидаги 24-мактаб директори**

# ОБУНА ЭНГ ЯХШИ МУКОФОТ

Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга бағишланган ҳудудий ўқув семинари ўтказилди. Унда барча шаҳар ва туман касаба уюшма вакиллари, марказий шифохоналар иқтисодчилари иштирок этди.

Малакали мутахассислар томонидан уларга ходимлар манфаатини муҳофаза қилиш, иш ҳақи билан таъ-





минлаш, моддий рағбатлантириш каби масалалар юзасидан керакли тавсия ва йўлланмалар берилди. Шунингдек, айни пайтда ечимини кутаётган муаммолар борасида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

– Мазкур тадбир биз учун ғоятда фойдали кечди. Бу ерда назарий билимимизни ошириш билан бирга ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдик, - деди вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшма кенгашининг Паркент тумани бўйича вакили Ҳусан Мирзабоев.

Анжуман сўнгида жорий обуна мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этган касаба уюшма етакчиларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Т.ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

## инсон ҳақида ғамхўрлик демакдир

**(Боши 1-бетда)**

Айни пайтда туманимизда 18000 нафарга яқин пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар бор. Шундан 16 минг нафарга яқини пенсия, 1348 нафари ижтимоий нафақа олувчи, 345 нафари эса ишловчи пенсионерлардир. Уларга ўз вақтида моддий ва маънавий ёрдам уюштириш, соғлиқлари, уй-жой шароитларини яхшилаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Энг муҳими, ижтимоий тизимда рўйхатда турган барча нуронийлар, ногиронлар, етим-есирлар ўз вақтида пенсия ва нафақа пулларини олмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорида аҳолининг кам таъминланган, бировлар кўмагига ва ҳимоясига муҳтож табақаларига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилашга йўналтирилган эзгу мақсад ва истиқболли режалар илгари сурилган. Ушбу муҳим ҳужжат асосида бир қатор эзгу ишлар амалга оширилди. Ўтган йилда 1050 нафар фуқароларга бир йўла суюнчи пуллари берилди. Шунингдек, вафот этган 552 нафар пенсионерларнинг дафн маросимлари учун уларнинг оила аъзоларига 37,6 миллион сўм моддий ёрдам уюштирилди. Бундан ташқари, 16575 нафар пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Қариганда қадр керак, дейди доно халқимиз. Қарияларни қадрлашнинг асосий белгиси уларнинг саломатликлари хусусида қайғуришдир. Биз бу борада алоҳида дастур асосида иш олиб бораяпмиз. Зеро, Асосий Қомусимизнинг 40-моддасида «...Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» дейилган.

Касаба уюшмалари соғлиқни сақлаш ташкилотлари билан ҳамкорликда кўрилган чора-тадбирлар натижасида нуронийлар тиббий кўрикдан ўтказилди. 7100 нафар кекса отахон ва онахонлар шифохонада даволанди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 520-сонли қарори асосида 69 нафар якка-ёлғиз пенсионер ва ногиронлар рўйхатга олинди. Улар ўз вақтида диспансер кўригидан ўтиб, керакли тиббий муолажалар қилинди. Улар саломатликларини тиклаш учун 176 минг сўмдан ортиқ бепул дори-дармон билан таъминланди. Бундан ташқари, уй-жойлари таъмирга муҳтож бўлган нуронийларга вақтида ёрдам кўрсатилди, уйлари таъмирлаб берилди. Ширкат хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳашар уюштирилиб, нуронийларнинг ҳовли-жойлари таъмирланиб, томорқалари тартибга келтирилди. Ўтган йили якка-ёлғиз қарияларга қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан 229 минг сўмлик, ҳомийлар томонидан 427 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам уюштирилди. 1 миллион 981 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари уларга етказиб берилди.

«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурига асосан 20 нафар якка-ёлғиз, кекса, ногирон пенсионерлар қишлоқ фуқаролар йиғини тавсияси билан рўйхатга олиниб, уларга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Тумандаги 7-дорихона 4 нафар якка-ёлғизни ҳомийликка олиб, ўз вақтида дори-дармон билан таъминлаб келмоқда.

Ўтган йили биргина бўлимимиз томонидан байрамлар муносабати билан 2243 нафар нуронийга 9,5 миллион сўмлик совға-саломлар улашилди. 310 нафар нуроний ва ёрдамга муҳтож фуқароларга кийим-кечак берилди. Бундан ташқари, Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 1,2 миллион сўмлик совға 200 нафар кишининг уйига элтиб берилди.

Сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклашлари учун 73 нафар нуронийлар бепул йўлланма билан таъминланди. 11 нафар киши ногиронлик аравачаси, 4 кишига протез-ортопедик мослама, 25 кишига ҳасса олиб берилди.

Инсон кўнгли гулдан нозик, деган сўз бекорга айтилмаган. Айниқса, кексайганда, бошинг ёстиққа етганда, ёлғиз қолганда ёнингда яқин ҳамдардинг, суянчиғинг бўлсин. Шунинг учун ҳам меҳр-мурувватга ташна бундай кишилар дуосини олишдан улуғроқ иш бўлмаса керак. Қаровчисиз қолган кексалар ўзларини ёлғиз ҳис қилмасликлари учун ижтимоий таъминот бўлимимиз томонидан 14 нафар оқила, ширинсўз, меҳр-оқибатли ходимлар жалб этилган. Улар ҳар куни ёлғиз қолган нуронийларнинг уйларига бориб, рўзғор юмушларига қарашиб, кирини ювиб, овқатини пишириб, фарзандларидек меҳр-саховат кўрсатмоқдалар. Айниқса, бу борада Жамила Атоева, Саодат Жабборова, Мухлиса Ширинова, Нафосат Раҳматова каби меҳр-мурувват соҳибаларининг беминнат хизматларидан нуронийлар мамнун.

**М.РАЖАБОВА,**
**Шофиркон туман ижтимоий таъминот бўлими мудири**

# ЮКСАК ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

***Асосий Қонунимиз – Конституциянинг 13 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида «Конституция – ҳаётимиз қомуси» мавзуида анжуман ўтказилди.***

Тадбирда юртимизнинг таниқли кишилари ва ҳуқуқшунослари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар Конституциямизнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг мазмуни ва моҳиятини кенг тарғиб қилиш, кишиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтириш хусусида фикр юритишди.

Айниқса, Бош Қомусимизда инсон омили, унинг манфаатлари энг юқори ўринга қўйилганлиги, тарихий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимизнинг ўзига хос жиҳатлари, халқимизнинг тинчликсеварлик фазилатлари ўз ифодасини топганлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, илм даргоҳида Конституцияни ўрганиш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар тилга олинди.

**Ў.ХОЛИҚОВ**




*Футбол*

## «РЕАЛ» КЛУБИ «МЮ»НИ ҚОЛДИРИБ КЕТДИ

Мадриднинг «Реал» клуби даромад борасида Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоасини ортда қолдириб кетди. Жорий йилнинг июн ойигача ўтган 12 ой ичида испан клуби 275,7 миллион евро ишлаб олди. Ўтган йил билан қиёслаганда, бу 17 фоизга кўп демакдир. Англиянинг кўп карра чемпиони эса бу вақт оралиғида 2,3 фоиз камроқ даромадга эга бўлган, бу 169 миллион фунт стерлинг ёки бошқача айтганда 249 миллион евро деганидир.

Албатта, муштарийларни даромад манбаи қизиқтиради. Маълум бўлишича, испан клуби даромадининг 42 фоизи тижорат фаолияти билан боғлиқ. «Манчестер Юнайтед» эса асосий даромадни телетрансляция ҳуқуқи учун олган. Айни вақтда ушбу клуб даромади янада пасайиши тахмин қилинмоқда.

## ИРҚЧИЛИК УЧУН ЖАЗО

Европа футбол ассоциацияси УЕФА муҳим қарор қабул қилди. Эндиликда учрашув пайтида томошабинлар томонидан билдирилган ирқчилик хатти-ҳаракатлари кескин жазоланади, ҳакам ушбу ҳолни сезган заҳоти ҳатто матчни тўхтатиши мумкин. Бугина эмас. Шундай шармандали вазият юзага келган тақдирда учрашув ўтказилаётган стадион катта жаримага тортилади, боз устига ушбу ўйингоҳ дисквалификация қилинади.

– Биз стадионни ёпиб қўйишгача бўлган жазони қўллашимиз мумкин, - деди УЕФА вице-президенти Пер Равн Омдал Европарламент аъзолари билан мулоқот чоғида.

*Теннис*

## ФИНАЛНИ БЕК ВА ЛЮБИЧИЧ БОШЛАБ БЕРИШАДИ

Братиславада «Дэвис-2005» кубоги учун Словакия ва Хорватия терма жамоалари ўртасила бўладиган финал матчи учун қуръа ташланди. Унга кўра биринчи бўлиб кортга Карол Бек ҳамда Иван Любичич чиқадилар.

Иккинчи жуфтликни Хрбати-Анчич ташкил этишади. Уч кунлик баҳслардан сўнг жамоалар заҳира ўриндиқларида қолиб кетган шерикларини майдонга таклиф этишлари мумкин. Бу эса учрашувлар сўнгги паллагача қизғин ва муросасиз тарзда ўтишини таъминлайди.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу матчда хорватларнинг қўли баланд келиши учун барча асослар етарли.

*Шахмат*

## БИРИНЧИ «ЎНЛИК» КИМЛАРГА НАСИБ ЭТАДИ?

Ханти-Мансийскда мукофот жамғармаси 1 миллион 570 минг доллар бўлган Жаҳон кубоги баҳсларида ҳеч ким муддатидан илгари таслим бўлишни истамаяпти. Ҳар бир шахмат тахтасида охирги имкониятгача муросасиз кураш давом этмоқда.

Навбатдаги босқичга йўлланма олувчилар сафи кенгайиб бормоқда. 1/16 финалга даъвогарлардан франциялик Этьенн Бакро, арманистонлик Левон Аронян, россиялик Александр Гришчук, испаниялик Алексей Широв чиқиб улгуришди. Улар сафига қўшилишга интилаётган яна бир неча шахматчи тай-брейкда тезкор шахмат маҳоратини кўрсатиш иштиёқида. Француз Жоэл Лотье, россиялик Евгений Бареев ва Владимир Малахов навбатдаги даврага чиқиб, курашни давом эттирмоқдалар.

Навбатдаги тур бундан-да муросасиз бўлиши кутилмоқда.

**М.ИБРОҲИМОВ тайёрлади**

# ҚАЙСИ ТУРДАГИ ЮРИДИК ШАХСЛАР СОЛИҚ ТЎЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ?

## Саволингизга ТДЮИ ўқитувчиси Фарида Исаева жавоб беради

***САВОЛ: қайси турдаги юридик шахслар солиқ тўлашдан озод қилинади?***

**Б.ЭЛМУРОДОВ,**
**Тошкент вилояти.**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида баъзи солиқларни тўлашдан озод қилинадиган юридик шахслар белгилаб қўйилган. Жумладан, ушбу кодекснинг 31-моддасига мувофиқ қуйидаги юридик шахслар даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинадилар:

Протез-ортопедия буюмлари, инвентари ишлаб чиқаришга, шунингдек, ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар – асосий фаолият тури бўйича;

Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилар ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслардан ташқари;

даволаш муассасалари қошидаги даволаш ишлаб чиқариш устахоналари;

жазони ижро этиш муассасалари;

тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадларидан (фойдаларидан) ташқари;

Солиқ солиш мақсадларида «тижорат билан шуғулланмайдиган ташкилотлар» дейилганда қуйидагилар тушунилади:

фақатгина давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молияланадиган, ҳаражатларни қоплаш учун тасдиқланган сметалар доирасида бюджетдан дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва фондлари, халқаро, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

а) тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар олишни кўзламайдиган, таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадларда тузилган ташкилот ва бирлашмалар;

б) молиявий ва бошқа маблағларни муайян ташкилотлар ходимлари, муассислар ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари йўлида тақсимламайдиган ва инвестиция қилмайдиган ташкилот ва бирлашмалар;

шаҳар йўловчилар транспорти (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш билан боғлиқ хизматлари бўйича;

юридик шахслар тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлари бўйича;

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳалари, капитал маблағлар сарфлайдиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан дастлабки етти йил давомида;

янги ташкил этилаётган корхоналар, шу жумладан, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида ташкил этилган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан биринчи йили даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинади, белгиланган ставканинг иккинчи йили йигирма беш фоизи миқдорида ва учинчи йили эллик фоизи миқдорида солиқ тўлайди. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

Янги ташкил этилаётган бошқа корхоналар, шу жумладан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан белгиланган ставканинг биринчи йили 25 фоизи миқдорида ва иккинчи йили 50 фоизи миқдорида солиқ тўлайди. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

Ушбу бандда назарда тутилган юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврнинг бир йили ўтгунга қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади;

ички ишлар органлари ҳузуридаги соқчилик бўлинмалари;

гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар;

суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта пули) тариқасида олинган маблағлар суммаси бўйича;

дивидендлар кўринишида олинган ва юридик шахсдан олиниб, унинг устав капиталига (фондига) йўналтирилган даромадлар бўйича.

Ушбу моддада янги ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёзлар аввалдан амал қилиб турган юридик шахслар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари негизида тузилган юридик шахсларга (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан ташқари), шунингдек, корхоналар ҳузурида тузилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланилмайди.

*«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси*

***САВОЛ: турмуш ўртоғим билан қонуний никоҳдан ўтмаган ҳолда яшадим. Эрим биринчи турмушидан қонуний ажрашган. У касаллик туфайли вафот этди. Унинг меросхўри бўлишим мумкинми? Мени қўлимда эримнинг васиятномаси, биринчи турмушидан никоҳдан ажралганлиги тўғрисида суд қарори бор.***

# МЕРОСХЎР БЎЛИШИМ МУМКИНМИ?

## Саволингизга Шовот туманлараро фуқаролик суди раиси Зарифбой Қурбонов жавоб беради

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 5-бўлими ворислик ҳуқуқига бағишланган бўлиб, мазкур бўлим 1112-1157-моддаларни ўз ичига олади.

Ушбу Кодекснинг 1112-моддасида «Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёҳуд бутун меросннинг тақдирини белгиламаса, шунингдек, ушбу кодексда белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади», деб кўрсатилган.

Шу Кодекснинг 1118-моддасига асосан мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қодирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мазкур Кодекснинг 1135-моддасида мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлишлари, мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киришлиги кўрсатилган.

Мерос қолдирувчининг эри (хотини) деганда қонуний никоҳда бўлган эр (хотин) тушунилади.

Ҳаттоки диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди. (ЎзР Оила Кодексининг 13-моддаси 2-қисми).

Шунга кўра қонуний никоҳдан ўтмаган шахс эр (хотин)нинг қонун бўйича меросхўри бўла олмайди.

Фуқаролик Кодексининг 1120-моддасида фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинишлиги, шу модданинг 3-қисмида фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан сиз фақат белгиланган тартибда қонуний расмийлаштирилган васият бўйича меросхўр бўлишингиз мумкин.

***САВОЛ: эримнинг олдинги турмушидан бўлган фарзандлари менга қолдирилган васиятномани бекор қилдиришлари мумкинми?***

**ЖАВОБ**: юқорида қайд қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1135-моддасига асосан эрингизнинг биринчи турмушидан бўлган фарзандлари қонун бўйича биринчи навбатдаги меросхўр бўлиб ҳисобланадилар.

Улар ёки улар вояга етмаган бўлса, уларнинг номидан оналари васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, уни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳақида судда даъво қўзғашлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1142-моддасига кўра мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар васиятноманинг мазмунидан қатъи назар қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Шунга кўра суд васиятномани тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.


# ИНФОРМАЦИЯ

## о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента ОАО «Чинобод санаторияси»

***Порядковый номер сообщения – 10***
**Изменения в персональном составе должностных лиц: – орган управления эмитента, в котором произошли изменения:**
***Исполнительный орган –***

Прекращены полномочия Председателя Правления Муборакова Хусана Ходжиевича по собственному желанию.

Избран И.О.Председателя Правления Мамаджанов Адилжон Орифович

– доля участия в уставном фонде эмитента – нет.

– **дата, в которой произошли указанные изменения:** 30 ноября 2005 года.

– **уполномоченный орган эмитента, принявший решение, являющееся основанием указанных изменений:** Наблюдательный совет.

**ТОО «Алмадонор» имеет намерение приобрести акции АО «Texnofarm», расположенного по адресу: г.Ташкент, ул.Мавлянова, 37 в количестве 14 614 штук простых именных, что составляет 24 % к общему объему уставного фонда общества.**

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулк қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига **2005 йил 5 декабрдан** Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қуйидаги объект қўйилаётганини маълум қиламиз.

Наманган вилояти, Наманган шаҳрида жойлашган «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси таркибидаги «Наманган нефт базаси» **Бошланғич баҳоси – 293231 АҚШ доллари**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг.**

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлар объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махамад Ўразбоев кўчаси, 1«А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.**

**Телефонлар: 399 80 26, 136 26 26. Факс: 136 06 17 www.rkmb.uz**

**Наманган вилоят «Темир бетон ишлаб чиқариш кичик корхонаси» Наманган вилояти, Уйчи тумани, Акси қишлоғида жойлашган «Жийдакапа темир-бетон заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг 8037 дона, яъни 16,4 фоиз оддий, эгаси ёзилган, нақдсиз акцияларини сотиб олиш истаги борлигини маълум қилади.**

*Маъмурият*



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## УЛУҒБЕК – ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИАНТИ

Яқинда Улуғбек Расулов Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти бўлди. У Жиззах шаҳридаги 19-мактабда 8-синфгача ўқиди. Шундан сўнг «Умид» иқтидорли болалар лицейига қабул қилинди. Улуғбек бу ерда фанларни чуқур ўрганиш билан биргаликда инглиз тилини ўргана борди.

Мана тўрт йилдирки у Жиззах Давлат педагогика институтининг хорижий тиллар факультети талабаси. Президент стипендианти хорижий тилларни, хусусан, инглиз тилини чуқур ўрганиш билан биргаликда, институт қошида инглиз тилини ўрганишни хоҳловчилар учун нутқ ўстириш тўгарагини ташкил этди. Шунингдек, унинг ташаббуси билан «Баҳс» клуби ишлаб турибди.

### *Овчи ён дафтаридан*

***Илиқ баҳор кунларининг бирида Мўмин овчи Етимтоққа кўтариларкан ўт-ўланлар устидаги қон изларига кўзи тушди. Бу браконерлар иши эди, шубҳасиз. Ҳайвонлар орасида айиқларгина оғир жароҳатга бардошли бўлиб, олис-олисларга кета олиши овчига илгаридан маълум. У тўрткўз ити билан яна икки қир ошар-ошмас кутилмаганда қияликдаги қалин арчазор орасида ниманингдир ғингшиганини эшитди. Кейин дарахтлар орасида элас-элас кўринаётган қўнғир айиқнинг елкасидаги жароҳатини зўр бериб ерга ишқалаётганига кўзи тушди. Яраланган айиқ оғир қадамлар билан судралиб келиб унга ҳамла қилмоқчи бўлди. Овчи тўрт-беш қадам ортига тисариларкан:***

***– Тинчлан, жонивор. Сен мардсан, ақллисан, –дея таскин-тасалли берган бўлди.***

Дарғазаб айиқ тўмтоқ бурни ва жаҳлдор кўзларини Мўмин овчига қадаганича бироз тикилиб турди-да, кейин ёлғизоёқ йўлга тушиб, секин-аста узоқлашди. Овчининг ҳиди, товуши ва қадам излари чамаси унинг ёдида муҳрланиб қолганди. Уларнинг илк «учрашуви» ана шундай бошланганди.

Кутилмаганда таниш

## ҚЎМСАШ

Бир куни Мўмин овчи қулоғига йўл чеккасидаги пана-пастқам жойдан яна ғингшиган товуш чалиниб қолди. Ўгирилиб қараса, ўн-ўн беш қадам нарида таниш қўнғир айиқ. У бамайлихотир кўзларини жавдиратиб унга тикилиб турарди. Айиқнинг танасига номутаносиб юриши елкасидаги жароҳати ҳали битмаганидан дарак бериб турарди.

Орадан уч ой вақт ўтиб, одамлар орасида қишлоқ яқинидаги боғда қўнғир тусли айиқнинг пайдо бўлиб, эндигина болга тўлиб келаётган меваларни «тозалаб», дарахт шохларини синдириб кетаётгани ҳақидаги гаплар тарқалди. Ҳатто махлуқнинг Мўмин овчи ҳовлиси яқинидаги тепаликда ўтирганини кўрганлар ҳам бор эди. Шундан сўнг овчи боғнинг тоғлар билан туташган жойидан чодир ўрнатиб уни пойлашга тушди. Кундузлари майин қамиш ва бутазорларда елиб-югуриб, унинг изларидан таниш қўнғир айиқ эканлигини билиб олди. У яна унинг йўлини пойлай бошлади.

Куз охирларида Мўмин овчи айиққа тўртинчи маротаба дуч келди. Ҳар сафар жониворнинг овчини бехато топиб келиши ва узоқ тикилиб туриши ҳайратланарли эди. Ахир тоғ йўлларидан қанчадан-қанча йўловчилар юрмайди дейсиз?

Навбатдаги учрашувда жонивор ҳар хил имо-ишоралар қилиб ўйинга туша бошлади. Овчи ҳам энди унинг ҳайбати ва салобатидан асло хавотирланмасди. Бир сафар жонивор унга яқин келиб тик турганича олдинги оёқларини узатди. Овчи унинг панжалари орасидан жингил тиконини суғуриб олди. Кейин эса айиқ қаёққадир кўздан ғойиб бўлиб яна пайдо бўлди. Энди унинг панжалари орасида бир ҳовуч ёнғоқ турарди. Бу овчига нисбатан миннатдорчилик ифодаси эди. Шу-шу улар бир-бирларига тамоман ўрганишиб, «дўст» бўлиб қолдилар.

Кутилмаганда таниш айиқ узоқ дом-дараксиз йўқ бўлиб кетди. Одатда айиқларнинг бир юрган йўлларидан анча вақт қайта юрмаслиги овчига маълум бўлса-да, барибир икки кўзи унинг йўлида бўлди.

Чор атрофга тун қора пардасини ёйди. Тўлин ой кўтарилган маҳал тепаликда қандайдир шарпалар яқинлаша бошлади. У садоқатли ити билан воқеанинг нима билан якунланишини кузатаркан, чамаси ўн-ўн икки қадам қолганида уларнинг тўнғиз эканлиги маълум бўлди. Жониворлар ҳид сезиб секинлашди ва йўлларини чапга ўзгартиришди. Шовқин ва тўс-тўпалон уни саросимага солиб қўйганди. Шу орада ғалати бир маҳлуққа кўзи тушди-ю, ҳаяжонланганидан қўлига қўшотарни оларкан, ўт-ўланлар устига сирғаниб мўлжални аниқ нишонга ололмади. Якка ўқ жониворнинг ёнгинасидан ўтиб кетганди. Унинг қаттиқ ўкиришидан анчадан бери интизорлик билан кутган «дўсти» эканлиги маълум бўлиб қолди. Айиқ эса тик турганича бир паст ён-атрофига олазарак боқиб олди. Яхшиям у таниб қолиб овчига ташланишдан ўзини тийди. Кейин шу кетганича қайта қорасини кўрсатмади.

Мўмин овчи тоғу тош ва қир-адирларни қанча кезмасин кўнглига яқин бўлиб қолган жониворни бошқа учратмади. Шунда беихтиёр серёғин баҳор, жазирама ёз ва кузнинг салқин оқшомларида жонивор билан бирга ўтказган онларини эслаб эти увиша бошлади. Энди унга қўнғир айиқнинг тирик қолгани юпанч ва тасалли берар, лекин барибир уни тез-тез қўмсаб турарди.

**Абдулла САИДОВ**

### *Илҳом*

## МАФТУН ЭТДИНГ

*Мафтун этиб, олдинг ақлу хушимни,*
*Мафтун этдинг, тандан йўқолди ором.*
*Нима топа қолдинг, безаб тушимни,*
*Ўнгимда ҳам узат севги тўла жом.*

*Сеҳру жоду бўлди унсиз боқишинг,*
*Ўқийман ўзимча бир олам маъно.*
*Осмону фалакдан тушса Бахт қуши,*
*Бошингга қўндиргум уни шу асно.*

*Ихтиёрим буткул топширдим бу кун,*
*Қалбда туғён урган ишқим армуғон.*
*Дунёларни сенга тутгум бус-бутун,*
*Бўлсанг бас сен фақат саломат, омон.*

## ТЎРТЛИКЛАР

*Дунёнинг ишлари тугал бўлмагай,*
*Ип тугун тушмаса чигал бўлмагай.*
*Рост сўзлаб, лафзида тургувчи киши*
*Ҳеч қачон ҳеч ерда ўсал бўлмагай.*

* * *

*Кесакдан ўт чиқмас гугурт чақсанг ҳам,*
*Бир ғарам чўп қалаб олов ёқсанг ҳам.*
*Ғаним ҳеч замонда дўст бўлганми, айт,*
*Дўст бўлмас зар сочиб, маржон тақсанг ҳам.*

**Мирзаҳусан ЗУФАРОВ**

### *Бор бўл, оқибат!*

***Ҳар йили мамлакатимизда 3 декабр Ногиронлар куни сифатида кенг нишонланади. Бу борада Бухоро вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Айни пайтда вилоят ногиронлар жамиятига бир неча йил ишлаб чиқаришда меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 85 ёшли Жунайд ака Олимов раҳбарлик қилаяпти.***

## «САВОБ» ишлаб чиқариш корхонасида

Яқинда жамиятнинг IV қурултойи бўлиб, амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

– Биз Жунайд ака Олимовни нафақат устоз, балки ўзимизнинг маслакдошимиз деб биламиз, - дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Бибиражаб Муҳамедова. – Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда, иш билан таъминлашда вилоят ногиронлар жамиятининг ҳам ҳиссаси катта.

Жамият тасарруфида иккита шаҳар, ўнта туман, 186 та бошланғич ташкилот бўлиб, ўз атрофига 24 мингдан ортиқ ногиронни бирлаштирган. Эндиликда 17 мингдан ортиқ ногирон жамият аъзолигига қабул қилиниб, аъзолик дафтарчалари топширилди.

2000-2005 йилларда ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда саломатликларини тиклаш мақсадида Бухоро шаҳрида 4 та, Когон шаҳрида 2 та, туманларда биттадан, вилоят соғлиқни сақлаш бош Бошқармаси, ижтимоий таъминот, шаҳар ва туман ҳокимликларининг ёрдами билан марказлаштирилган поликлиникалар очилиб, улар орқали 21 минг 525 нафардан ортиқ ногиронлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг касалликлари аниқланиб, гуруҳдан-гуруҳга ўтказилди, улар учун дорихоналар очилиб, яқиндан ёрдам қилинди.

Шуниси эътиборга моликки, вилоятда ногиронларнинг саломатликларини тиклаш мақсадида спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Хусусан, ногиронлар ўртасида ўтказилаётган турли хил спорт мусобақалари уларнинг саломатликларини тиклашда яқиндан ёрдам бераяпти. Ўзбекистон ногиронлар жамиятида ўтказилган «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танловида иштирок этган иқтидорли болалар расм чизиш бўйича фахрли ўринларни эгалладилар. Уларга қимматбаҳо совғалар берилди.

Халқимизнинг одамохунлиги, инсонпарварлиги, боши ёстиқда бўлган ногиронлар унутилмаётганлиги ўксик қалбларга малҳам бўлмоқда. Хусусан, вилоят ҳамда туман ҳокимликлари, касаба уюшмалари вилоят кенгаши жойлардаги бошланғич касаба уюшмалари Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Ийд Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари ногиронларни йўқлаб, дуоларини олишмоқда.

Бугунгача 118 мингдан ортиқ ногиронларга совға-саломлар улашилиб, 16 миллион сўмлик пул мукофотлари тарқатилди. Ногиронларни иш билан таъминлашда қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда. Масалан, Нурим Муродов раҳбарлик қилаётган Шофиркон туман ногиронлар жамияти олиб бораётган иш диққатга сазовордир. Эндиликда жамият ҳузурида «Савоб» ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 21 нафар ногирон иш билан таъминланган. Улар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича иш олиб боряптилар. Шунингдек, Жондор туманидаги «Меҳнат-97» корхонасида 12 киши, Ромитан туманидаги «Гўзал» корхонасида 15 нафар ногирон, Бухоро шаҳридаги «Фошун» корхонасида 25 киши аҳолига қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш бўйича фаолият кўрсатаяптилар. Бугунги кунда вилоятда 120 нафардан ортиқ ногиронлар турли кўринишдаги иш билан таъминланган. Уларни қўллаб-қувватлашда вилоят ҳокимлиги, «Ўзбекистон газ саноати бирлашмаси», «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти сингари ташкилот ҳамда муассасалар, тадбиркорлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, хайрли ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### *Бу турфа олам*

***Биз билган икки ғилдиракли велосипед 1801 йилда ихтиро қилинишидан анча олдин дунёнинг турли мамлакатларида тўрт ғилдиракли самокатлар яратилган. Жумладан, Немис Гантшель 1649 йили, француз Ла Рашелли 1693 йили, рус Шамшуренков 1752 йили, инглиз Овенден 1761 йили ана шундай самокатлар ижод этишган.***

Ниҳоят, бундан 200 йил муқаддам рус деҳқони Артамонов икки ғилдиракли велосипед ясаб Москва кўчаларида сайр этганида бу "Шайтон арава"ни кўриб одамларнинг оғзи ланг очилиб қолган.

## ВЕЛОСИПЕД ТАРИХИДАН

Мазкур велосипеднинг педал ўрнатилган олдинги ғилдираги орқасидагисидан бир неча марта катта эди. Ихтирочи велосипедда Москвадан Уралгача қарийб минг километрлик масофада саёҳат қилиб, "Шайтон арава"нинг нималарга қодир эканини намойиш этди.

Немис механиги Фишер 1855 йилда бу велосипедни такомиллаштириб, фойдаланиш учун анчагина қулай қилди. Иккала ғилдираги бир хил диаметрли бўлди. Рама, педал, орқа ғилдиракни тўхтатишга мўлжаллаб ишланган қўл тормози, бошқарув рулини ўрнатди.

Ёғочдан ишланган бу велосипед 1867 йили Парижда ўтказилган халқаро кўргазмада томошабинлар ихтиёрига ҳавола этилди.

XIX аср охирларида велосипед транспортининг янги турига айланди. Бунинг учун велосипедни яна такомиллаштириш ва мавжуд ўнғайсизликларни бартараф этиш зарурияти туғилди.

Жаҳонда энг улкан велосипедни даниялик Ангер Вестергард ишлаган. Унинг узунлиги 22 метр, оғирлиги 1,5 тонна бўлиб, 32 киши бемалол жойлашади.

**Ш.ЖАББОРОВ**

## СКАНВОРД




Ф.ОРИПОВ тузди

## ЖАМҒАРМА МАДАДИ

Зомин туманидаги ёш Мурувват уйи ҳамда Жиззах шаҳридаги «Меҳр-мурувват шаҳарчаси»да жойлашган кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб-интернати жамоасига вилоят «Маҳалла» жамғармаси мадади берилди. Ногиронлар истиқомат қилаётган ётоқхона, ошхона ва бошқа мажмуаларга гигиеник воситалар жумладан, идиш-товоқлар ювиш учун кимёвий ашёлар етказилди.

## КОЛЛЕЖГА ХОРИЖ УСКУНАЛАРИ

Жиззах шаҳридаги енгил саноат коллежига 94 миллион 429 минг сўмлик хориж ускунаси келтириб ўрнатилди.

Италияда ишлаб чиқарилган тўқув машинаси Осиё тараққиёт банки кредит ҳисобига келтирилди. Талабалар эндиликда олган назарий билимларини амалиётда синаб бериш имкониятига эга бўлдилар. Буюртма асосида ҳар хил трикотаж буюмлари, ҳарбийлар учун кийим-кечаклар тайёрлай бошладилар.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



## НИМ ТАБАССУМ

Рельс устида ётган одамдан сўрашипти:

— Нима қилиб ётибсиз?

— Ўлмоқчиман.

— Унда ёнингиздаги нонни нима қиласиз?

— Поезд кечикса, ейман.

* * *

Кинодан қайтаётиб, хотин эридан сўради:

— Ростини айтинг, фильмда кўринган қизлар ичида мендан чиройлиси борми?

— Йўқ, йўқ, гўзалим! Бу фильм экан-ку, бутун жаҳонда сенга тенг келадигани йўқ.

Хотин жуда ийиб кетипти:

— О-о, қанчалик яхшисиз! Қанчалик вафодорсиз! Қанчалик суюмликсиз...

— ...ва қанчалик қўрқоқман! - деб қўшиб қўйибди эр.

* * *

Қамоқхона ходими маҳбусни қўйиб юбораётиб деди:

— Кечирасан, янглишиб сени тўрт кун ушлаб қолибмиз.

— Зарари йўқ, - дебди маҳбус. — Менинг ҳисобимга ёзиб қўйинг. Янаги гал ҳисоблашармиз.

* * *

Бир ёш деҳқон йигит хотинига шаҳардан ойна олиб келибди. Умрида ойнага қарамаган хотин унда ўз аксини кўрибди-ю, эрим иккинчи хотин олиб келибди, деган ўйга борибди. Бу гапни дарров ойисига айтибди. Кампир ҳам умрида ойна кўрмаган экан. Кўзгуга қараб туриб дебди:

— Ҳафа бўлма, қизим. Шундай бадбашара кампир эрингнинг кўнглини сендан совута олармиди?

* * *

Бир киши расмчининг олдига бориб;

— Тез сувратимни ол! — депти-да фотоаппаратга орқасини қилиб турипти.

— Нега тескари турибсиз?

— Расмни аразлашиб қолган ошнамга юбораман.

* * *

Ҳунук бир аёл автобусда жой берган кишига миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат сизга! Яхши тарбия кўрган, олижаноб одам экансиз.

— Ҳа, - деб жавоб берибди йигит. — Мен фақат чиройли аёлларга жой берадиган шилқимлардан эмасман.

* * *

Бир киши дўстиникига меҳмонга борди. Дўсти бир коса сут қўйиб деди:

— Ичавер, дўстим, қатиқ ҳам, қаймоқ ҳам, пишлоқ ҳам шунинг ичида.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, сут берган одам дўстиникига меҳмонга борибди. Мезбон бир бош узум қўйиб, дебди:

— Олавер, дўстим. Сирка ҳам, шароб ҳам, кишмиш ҳам шунинг ичида.

* * *

Бир одамнинг отини ўғирлиб кетишди. Буни эшитган дўстларидан бири деди:

— Айб ўзингда, яхши қарамагансан.

Иккинчи ошнаси деди:

— Хизматкоринг айбдор, эшикни яхши ёпмаган.

— Фақат ўғри беайб экан-да! — деди ҳалиги одам.

* * *

Бир одам ҳовлисидан қудуқ қазибди. Лекин чиққан тупроқни қаерга ташлашни билмай боши қотибди. Ниҳоят, қўшнисидан маслаҳат сўрабди. Қўшниси дебди:

— Ёнидан яна битта қудуқ қазигин-да, тупроқни ўшанга сол.

* * *

Бир одам меҳмонига пастки қаватдан жой қилиб берибди. Бир маҳал қараса, иккинчи қаватдан унинг қиқир-қиқир кулаётгани эшитилибди.

— Ҳа, нима бўлди? Нима қилиб юрибсан у ерда?

— Уйқумда йиқилиб кетибман.

— Ҳамма юқоридан пастга йиқилса, сен пастдан юқорига йиқилдингми?

— Шунинг учун куляпман-да...

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7203

Буюртма Г— 216

E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.20

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.